



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 27 ноябрь, № 230 (6160)

Пайшанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 26 ноябрь куни Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати раисининг ўринбосари Дмитрий Козакни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг бугунги ҳолатидан мамнунлигини билдирди, Ўзбекистон Россия билан савдо ва инвестициявий ҳамкорликни фаол ривожлантириш ва диверсификация қилиш тарафдори эканини таъкидлади.

Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматларо комиссиянинг ўн олтинчи мажлиси натижаларини юқори баҳолади. Ҳазор манфаатли савдо-иқтисодий ва инвестициявий

ҳамкорликни янада кенгайтириш икки томонлама муносабатларнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Россия Ўзбекистоннинг бу соҳаларда муҳим шеригидир. 2013 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 7 миллиард АҚШ долларидан ошган. Жорий йилнинг 9 ойида ўзаро савдо

ҳажми 4,55 миллиард долларни ташкил этган. Мулоқот чоғида бу кўрсаткичлар мамлакатларимизнинг мавжуд салоҳияти даражасида эмаслиги қайд этилди. Ҳазор муносабатларни ривожлантиришда транспорт ва транзит ташвиш соҳаларида ҳамкорлик ҳам муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорлик 2004 йил 16 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома ҳамда 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланмоқда. (ЎЗА)

Сарвар ЎРМОҲОВ олган суратлар.

САЙЛОВ — 2014

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуничилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси вакиллари ўз Сайловолди платформалари ижтимоий йўналишининг асосий мақсад ва вазибалари хусусида фикр юритишади.

2-саҳифага қаранг.

ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 26 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматларо комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Тadbирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, банк-молия, божхона, нефть-газ, автомобилсозлик, транспорт ва транспорт коммуникациялари, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик, фан-таълим, авиаташув каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган вазирилик ҳамда идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия раиси Р. Азимов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда, жумладан, иқтисодий йўналишда ҳам изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳужжат асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2013 йил апрель ойида Россия Федерациясига расмий

(Давоми 3-бетда).

ЭЪТИРОФ

Яхши куй ва дилбар кўшиқ, қайси тилда ижро этилмасин, барчани бирдек мафтун этади. Кўнгилларга ўзгача ҳузур бағишлаб, янгидан-янги орзулар, мақсадлар сари чорлайди.

«Ўзбекистон — бой маданият ва нодир санъатга эга мамлакат»

Пойтахтимизда бўлиб ўтган «Competizione dell'Opera» ёш опера ижрочиларининг XIV халқаро танловини кузатиб бораётган санъат мухлисари ҳам ана шундай ҳис-туйғуларни кечиряётгани, шубҳасиз.

Дунёнинг турли қитъаларидан келган, бир неча кундан бун мушоз опера асарларини италян тилида ижро этган бўйича ўзаро бахslashашган ёш истеъдод эгалари Вена (Австрия), Бонн (Германия), Пекин (Хитой), Сеул (Корея Республикаси), Буэнос-Айрес (Аргентина), Санкт-Петербург (Россия) ва бошқа шаҳарлар, шу жумладан, пойтахтимизда ўтказилган минтақавий саралаш босқичларида танлаб олинган икtidор соҳибларидир. Шунингдек, унинг инфратузилмасини янада такомиллаштиришга қаратилган амалий чоратadbирлар туфайли ана шундай юқори натижага эришилди.

Албатта, республикамизда санъат ва маданиятни юксалтириш, ёш истеъдодларни излаб топиш ва ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган беқиёс эътибор самараси мазкур халқаро танловнинг мамлакатимизда ўтказилаётганида ҳам ўз аксини топди.

(Давоми 4-бетда).

Қисқа сатрларда

Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 22 йиллиги муносабати билан республика Байналмиал маданият маркази, Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида «Халқлар дўстлиги» фестивали ташкил этилди. Тadbирда Бухоро, Фарғона ва Самарқанд вилоятларидаги немис миллий маданият марказлари ходимлари, жамоат ташкилотлари вакиллари катнашди.

Тошкентдаги «Олимпия шон-шўхрати» музейида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирилик томонидан «Ёшлар камолотида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни ва уни ривожлантириш истиқболлари» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда вазирилик томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар хусусида маълумот берилди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида Тошкент автомобил-йўллар касб-хуна колледжиде бўлиб ўтган «Автомобил, экология ва саломатлик» мавзусида семинар-тренингда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, автомобиллардан чиқаётган зарарли газлар таъсирини камайтириш, узлуксиз экологик таълимни йўлга қўйиш ва бу борада тарбиёт-тушуштириш ишларини кучайтириш каби масалалар муҳокама қилинди.

Зарафшон шаҳрида янги спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. 12-болалар ва ўсмирлар спорт мактабига тегишли ушбу иншоот спорт зали, майдони ва кичик стадионни ўз ичига олган бўлиб, бу ерда спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, таэквондо (WTF), бадий гимнастика каби 11 тури билан шуғулланиш имконияти яратилган.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Юксак салоҳият ва улкан ютуқлар намойиши

Кеча «Ўзэкспомарказ» мажмуида қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат саноатида ихтисослаштирилган «UzAgroExpo — 2014» ҳамда «UzProdExpo — 2014» ўнинчи халқаро кўргазмалари иш бошлади.

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

Мазкур икки тadbир Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирилик, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмалари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда «IEG Uzbekistan» халқаро кўргазма компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазмаларнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат саноати иқтисодиётимизнинг

етақчи тармоқларидан бўлиб, уларни янада ривожлантиришга қаратилган эътибор, яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар туфайли соҳа келинги йилларда жадал суръатларда раванқ топмоқда. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан фермерлик ҳаракати жорий этилиб, соҳага фан ва техника ютуқлари ҳамда илгор технологиялар изчил татбиқ қилинаётгани муваффақиятларнинг бош омил бўлаётди. Деҳқончилик учун ноқулай келган об-ҳаво шароитига қарамай,

шу йилнинг тўққиз ойида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 6,8 фоиз ўсгани бунинг яққол далилидир.

Муҳим озиқ-овқат экинлари ҳосилдорлигининг йил сайин ортиб бораётгани эса юртимиз аҳолиси ҳамда саноат корхоналарининг боғ ва дала неъматларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш билан бирга, экспорт кўрсаткичларини тобора яхши-лаш имконини берапти. Бу ўз навбатида, хорижлик мутахассисларнинг иқтисодиётимизга бўлган қизиқишини оширмоқда. Буни кўргазма иштирокчиларининг сафи кенгайиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, халқаро кўргазмаларнинг бу галги бирлашган экспозициясида Германия, Голландия, Испания, Италия, Фран-

ция, Беларусь Республикаси каби жаҳондаги кўплаб давлатларнинг қишлоқ ҳўжалиги техникалари ва ускуналари, озиқ-овқат саноати учун замонавий технология линиялар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган йирик компаниялари қатнашмоқда.

— Агросаноат жабҳасида кўп йиллик бой тажриба ва юксак салоҳиятга эга Ўзбекистонга келишни кўпдан бун режалаштириб юрган эдим, — дейди Голландиянинг «Royal Brinkman» компанияси вакили Эп Ван ден Бринк. — Шу ниятимга мазкур кўргазма туфайли эришдим. Юртингизга келганимга эндигина бир неча кун бўлса-да, соҳада эришаётган ютуқларингиз ҳақида кўплаб маълумотлар билан танишишга улгурдим. Давлатингиз томонидан деҳқон ва фермер ҳўжалиқларига берилаётган имтиёзлар, айниқса, эътиборимни тортиди, оилавий тadbиркорликнинг қонуний асоси яратилгани эса катта таассурот қолдирди.

(Давоми 3-бетда).

Инвестициявий жозибадорлик

тараққиётнинг муҳим омилларидан биридир

Иқтисодий барқарорлик, аввало, хорижий инвесторлар учун муҳим аҳамиятга эга. Яъни қайси давлатда сармоядорларга қулай инвестиция муҳити яратилган бўлса, ўша жойга интилиш кучаяди.

АНЖУМАН

Бугунги кунда Ўзбекистон ана шундай мамлакатлар сирасига қирадики, юртимизга чет эллик инвесторларнинг қизиқиши тобора ортаётганининг боиси шунда. Айниқса, республикамизда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий, «Ангрен» ва «Жиззах» махсус индустриал зоналарининг ташкил этилгани бу борадаги ишларни жадаллаштиришда айни муддао бўлаётди. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида саноат тармоқларини, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда модернизациялаш тadbирлари доирасида ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 22,3 фоиз ўсгани бунинг яққол тасдиғидир.

Ўзбекистон Республикаси Ақлия вазириликда Марказий банк, Давлат божхона ва Солиқ қўмиталари мутасаддилари, чет эл инвестициясини иштирокидаги корхоналар вакиллари билан ўтказилган анжуманда шу ҳақда сўз юритилди.

Мамлакатимизда хорижий сармоядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонуний механизмларини такомиллаштириш, уларга эркин фаолият юритишлари учун имтиёз ва преференциялар бериш, умуман, қулай инвестиция муҳитини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда қабул қилинган бир қатор қонунлар ва бошқа меъриий-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим аҳамият касб этапти.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

2014 йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизда чакана савдо айланмаси

14,2
фоиз
орди.

Аҳоли даромадларининг барқарор ошишини таъминлаш ҳамда ички истеъмол талабини рағбатлантириш, шунингдек, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, унинг инфратузилмасини янада такомиллаштиришга қаратилган амалий чоратadbирлар туфайли ана шундай юқори натижага эришилди.

ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иқтисодий муносабатлар деярли барча йўналишларда, жумладан, авиасозлик, машина-созлик, транспорт ва телекоммуникациялар, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, озик-овқат, ёғочни қайта ишлаш саноати, қишлоқ хўжалиги, ёқилғи-энергетика ва электр техникаси каби соҳаларда изчил ривожланмоқда.

Айни пайтда инвестиция ҳамкорлиги кўлами ҳам мунтазам кенгаймоқда. Россиялик кўплаб ишбилармонлар Ўзбекистон бозорига катта қизиқиш билдираётди, мамлакатимизга инвестиция киритиб, кўшма корхоналар ташкил этаётди.

этноқада, — деди Россия Федерацияси ҳукумати раисининг ўринбосари, комиссия аъзоси Д. Козак. — Ҳозирда айланмаси ҳамжи йил сайин ошиб бормоқда. Мамлакатларимиз ишбилармонларининг ҳамкорлиги изчил ривожланмоқда.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Боиси, бизнинг компания ҳам оилавий компания бўлиб, унга бундан 128 йил аввал асос солинган. Айни пайтда у бешинчи авлод вақиллари томонидан бошқарилаётди.

қайта ишлаш минитехнологиялари, нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш линиялари, чорвачилик ҳамда боғдорчилик ускуналари, ветеринария воситалари кенг намоийш қилинмоқда.

Юксак салоҳият ва улкан ютуқлар намоийши

ни кўрсатиш ва юқори сифатли маҳсулотлар етиштиришга ихтисослаштирилган. Бугунги кунда дунёнинг кўплаб давлатларига технология ускуналаримизни экспорт қилаёмиз.

Италиянинг "Фассо" компанияси вакили Микеле Прео. — Бунга ўн йиллик ҳамкорлигимиз туфайли гувоҳимиз. Бу йилги кўргазмага ҳам кўплаб янги маҳсулотларимизни келтирдик.



Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги Қонуни ижроси доирасида анжуман ташкил этилди.

Атроф-муҳит мусаффолиги ва жамоатчилик назорати

Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси ҳамда "Максустрэнс" ишлаб чиқариш бошқармаси мутасаддилари билан очик мулоқот руҳида ўтган тадбирда пойтахтимизнинг санитария-гигиена ҳолатини янада яхшилаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг изчиллигини таъминлаш, атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш борасида бажарилган ишлар ҳақида маълумот берилди.

тортади. Айниқса, транспорт воситалари сони кўпайиб кўпайиб бораётгани йўлдан тирбандликнинг олдини олиш, қатновларнинг хавфсизлик чораларини янада кучайтиришни тақозо этаётди. Шунга кўра, Ободонлаштириш бош бошқармаси томонидан 2013 йил ва 2014 йилнинг ўтган даврида 431,7 миң квадрат метр мусаффолиги йўл таъмирдан чиқарилди.

Тадбирда шулар ҳусусида сўз юритилиб, озодлик ва покликка интилиш халқимиз ҳаётининг муҳим мезонларидан бири экани, жумладан, пойтахтимизнинг обод ва кўркاملлиги барча бирдек масъулиги, айни шу масалада жамоатчилик назоратини кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Ф. МАХКАМОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Интеллектуал тизим

саноат объектларини автоматлаштиришга хизмат қилади

Пойтахтимизда "Саноатни автоматлаштириш учун интеллектуал тизимлар — WCIS — 2014" Бутунжаҳон халқаро анжумани иш бошлади.

Мамлакатимизда ахборот технологиялари соҳасида эришилган ютуқлар намоийши ҳамда хорижлик олимлар, мутахассислар билан таъриба алмашиш, олий таълим муассасалари, изланувчан олимларнинг рақобатбардор илмий-инновацион ишланмаларини саноат корхоналарига татбиқ этиш мақсадида ўтказилаётган ушбу анжуманда ўндан зиёд давлатлардан вакиллар қатнашмоқда.

иқтисодий тараққиётни, саноат рақобатбардорлигини таъминлашда катта ўрин тутди. Ушбу йўналишда Тошкент давлат техника университети, Тошкент ахборот технологиялари университети ва бир қатор илмий муассасалар, марказларда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

«NAMANGAN MULK MARKAZI» МЧЖ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ. ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИГА АТ «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» НАМАНГАН МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИНИНГ 2014 ЙИЛ 20 НОЯБРДАГИ 02/1698-СОНЛИ БУЮРТМАНОМАСИГА АСОСАН, УНИНГ КУЙИДАГИ КОРХОНА УСТАВ ФОНДИДАГИ УЛУШИ ҚУЙИЛМОҚДА:

«NAMANGAN MULK MARKAZI» МЧЖ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ. ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИГА АТ «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» НАМАНГАН МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИНИНГ 2014 ЙИЛ 20 НОЯБРДАГИ 02/1698-СОНЛИ БУЮРТМАНОМАСИГА АСОСАН, УНИНГ КУЙИДАГИ КОРХОНА УСТАВ ФОНДИДАГИ УЛУШИ ҚУЙИЛМОҚДА:

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР O'ZSANOATQURILISHBANK КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА! АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» очик тендер савдоларини эълон қилади.

«Universal auktsion invest» МЧЖ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ. 2014 йил 26 декабрь куни соат 10.30 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қоратощ кўчасида жойлашган, «Avto Max Group» МЧЖ (автосалон)га қарашли, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia DОНС» русумли, давлат рақами 01 110 МВА бўлган автотранспорт воситаси қуйилмоқда.

А/РАМИ Евроуслугба ишлаб чиқариладиган симли девор панжаралари ҳамда йўлларда ва бетон ичида ишлатиладиган ВР-1 маркали симдан сеткалар ишлаб чиқарамиз. Буюртмачи ихтиёрига кўра, ҳар хил ўлчамли симлардан сеткалар тайёрланади.

